КУТУБХОНАСИ
...фидокорлар институти

ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 4 (10.309) / 2005 ЙИЛ 5 ЯНВАРЬ

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси Бўритош Мустафаев олиб борди.**

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11 ва 48-моддаларига мувофиқ 2004 йил 26 декабрда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов якунлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар рўйхатга олинди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун 120 та округ сайлов комиссияси ва 8088 участка сайлов комиссияси тузилган эди.

Сайловда сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан 489 нафар депутатликка номзод, шу жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан — 114, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан — 108, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан — 84, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидан — 58, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан — 71, Сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан — 54 нафар депутатликка номзод қатнашди.

5 та сайлов округида икки нафардан номзод, 23 та сайлов округида — уч, 55 та сайлов округида — тўрт, 32 та округда — беш, 5 та округда олти нафардан номзод бир депутатлик мандати учун кураш олиб борди.

Республика бўйича сайловчилар рўйхатига 14323709 сайловчининг фамилиялари киритилиб, уларнинг 12197159 нафари (85,1 фоиз) овоз беришда иштирок этди.

Овоз беришда Тошкент шаҳрида сайловчиларнинг 81 фоизи, Андижон вилоятида — 87,8 фоизи, Бухоро вилоятида — 86,4 фоизи, Жиззах вилоятида — 88,6 фоизи, Навоий вилоятида — 80,5 фоизи, Наманган вилоятида — 88,3 фоизи, Самарқанд вилоятида — 84,7 фоизи, Сирдарё вилоятида — 86,9 фоизи, Сурхондарё вилоятида — 81,7 фоизи, Тошкент вилоятида — 82,3 фоизи, Фарғона вилоятида — 87,4 фоизи, Хоразм вилоятида — 84,9 фоизи, Қашқадарё вилоятида — 86,5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикасида — 85,2 фоизи иштирок этди.

120 та сайлов округининг барчасида рўйхатга киритилганларнинг 33 фоизидан ортиғи иштирок этди. Бу округларда сайлов ўтган деб топилди. Овоз бериш натижаларига кўра, 62 та сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Уларнинг орасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 21 киши, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 18, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан — 9, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидан — 6, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан — 2, Сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан — 6 киши, 62 нафар сайланган депутатларнинг 8 нафари (12,9 фоизи) хотин-қизлар.

Республика бўйича 58 та сайлов округида депутатликка номзодларнинг ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини ололмади.

Шу сабабли, 2005 йил 9 январь куни такрорий овоз бериш ўтказиш тўғрисида 2004 йил 29 декабрда қарор қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов очиқ, ошкоралик руҳида, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларнинг кенг иштирокида бўлиб ўтганлиги таъкидланди. Парламент сайловида 40 мамлакатдан 228 хорижий кузатувчи, шу жумладан, МДҲ ЕХҲТ кузатувчилар миссиялари қатнашди. Сайлов қонунчилигига тўла мувофиқ ҳолда бўлиб ўтган сайлов Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида демократик жараёнлар янада ривожланаётганлигидан далолатдир.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## А.Ҳ.Тўхтаевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Абдуқаҳҳор Ҳасанович Тўхтаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 январь

## КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан маълум қилишларича, мамлакатимизда фаолият юритаётган кредит уюшмалари сони яна биттага кўпайиб, йигирматага етди. Тошкент шаҳрида «Университет» номли янги кредит уюшмаси рўйхатга олинди.

Айни пайтда мамлакатимиздаги бундай молия муассасалари ўз аъзоларига ажратган кредитлар миқдори икки ярим миллиард сўмликдан ошди.

**ЎзА**

## *ХХI аср садоси*

*Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар*

### Мамлакатимизда

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча Оқсаройда Эрон Ислом Республикасининг биринчи вице-президенти Муҳаммад Ризо Орифни қабул қилди. Музокарада икки томонлама муносабатлар, минтақавий хавфсизлик ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.**

**● «Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро вилоят кенгаши тизимидаги спорт-техника клублари вакиллари Пешку туманида ҳарбий-амалий кўпкураш ва бошқа спорт турлари бўйича беллашдилар.**

**● Шаҳрихондаги «Ўзбегим» хусусий фирмаси туман аҳолиси учун янги автобус йўналишларини ташкил қилди.**

**● Андижон вилоятидаги Бобур номли кутубхонада ногиронлар учун янги китоб жамғармаси очилди.**

### Жаҳонда

**● Украинанинг янги Президенти Виктор Юшенконинг инаугурация маросими 13 январда ўтказилиб, у ўз вазифасини расман бажара бошлайди.**

**● Жануби-Шарқий Осиёда рўй берган зилзила ва тўфонлар натижасида ҳалок бўлганларнинг умумий сони 155 минг кишига етди.**

**● Япония ҳукумати агарда Шимолий Корея махсус хизмати вакиллари томонидан ҳибсга олинган япон фуқаролари ҳақидаги маълумотни КХДР тақдим этмаса, уларга нисбатан иқтисодий жазо чораларини қўллашини таъкидлади.**

**● Чеченистонда амалга оширилган махсус операциялар чоғида кўплаб оғир жиноятларни амалга оширган тўртта жангари қўлга олинди.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 11-моддасининг 12-бандига ва 48-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 2004 йил 26 декабрда ўтказилган Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов натижалари тўғрисидаги баённомаларига асосан қуйидагилар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари этиб рўйхатга олинсин:**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА**

| № | Депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Депутатнинг номзодини кўрсатган орган номи, партияга мансублиги | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи | Сайлов округининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1. | Абдуллаев Сарвар Собитович | 1970 | Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Миллий тикланиш ДП аъзоси | «Маънавият ва маърифат» республика маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари | Тошкент шаҳри | 6-Саноат сайлов округи |
| 2. | Гулямов Латиф Якубович | 1956 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси, ЎзХДП аъзоси | Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби | Тошкент шаҳри | 9-Бодомзор сайлов округи |
| 3. | Назаров Турабай Турсунович | 1955 | Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, ЎзЛиДеП аъзоси | «Тошкентмебель» акциядорлик жамияти раиси | Тошкент шаҳри | 4-Қорақамиш сайлов округи |
| 4. | Ташмухамедова Дилорам Гафурджановна | 1962 | Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, «Адолат» СДП аъзоси | «Фармед» хусусий фирмасининг бош директори | Тошкент шаҳри | 1-Оқтепа сайлов округи |
| 5. | Халилов Эркин Ҳамдамович | 1955 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, партиясиз | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Раиси | Тошкент шаҳри | 2-Дархон сайлов округи |

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси**
**Б.МУСТАФАЕВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 4 январь

*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг*

*ҚАРОРИ*

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

**«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 45 ва 46-моддаларига мувофиқ шаҳар сайлов комиссияси**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 2004 йил 26 декабрда ўтказилган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов натижалари тўғрисидаги баённомаларига асосан қуйидагилар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари этиб рўйхатга олинсин:**

| № | Депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Депутатнинг номзодини кўрсатган орган номи, партияга мансублиги | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи | Сайлов округининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1. | **Абдурахимова Фарида Юлдашевна** | 1950 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП | Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси | Тошкент шаҳри | 58-Бошлиқ |
| 2. | **Агзамов Саъдулла Саидакбарович** | 1974 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | «Хобас-ТАПО» қўшма корхонаси бош директори | Тошкент шаҳри | 44-Навоий |
| 3. | **Акбарова Фарида Шарахимовна** | 1960 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар қўмитаси раиси | Тошкент шаҳри | 45-Фурқат |
| 4. | **Азимова Мукаррамхон Ахадовна** | 1952 | Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон «Адолат» СДП | «Файз» акциядорлик холдинг компанияси бошқаруви раиси | Тошкент шаҳри | 29-Қипчоқ |
| 5. | **Акрамова Мухлисахон Мансуровна** | 1960 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | «Файз-Барака» компанияси бош директори | Тошкент шаҳри | 32-Машинасозлар |
| 6. | **Алиев Мухтор Мансурович** | 1969 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП | «8-сонли автосарой» акциядорлик жамияти раиси | Тошкент вилояти | 57-Отчопар |
| 7. | **Ахмеджанов Махаматжон** | 1955 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси раиси ўринбосари, «ТТЗ» давлат акциядорлик жамияти бош директори | Тошкент шаҳри | 16-Ҳумоюн |
| 8. | **Ашуров Мухсинджан Хурамович** | 1949 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори | Тошкент шаҳри | 7-Қози Гузар |
| 9. | **Бабаханова Холида Юлдашевна** | 1956 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | «Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи | Тошкент шаҳри | 25-Себзор |
| 10. | **Герасимова Светлана Ивановна** | 1951 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП | 50-мактаб директори | Тошкент шаҳри | 14-Интизор |
| 11. | **Инамджанова Гульнора Сааталиевна** | 1956 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари | Тошкент шаҳри | 13-Гулшан |
| 12. | **Иргашев Шухрат Бонсович** | 1945 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти кафедра мудири | Тошкент шаҳри | 9-Салор |
| 13. | **Исмаилов Рузмат Мадримович** | 1963 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзФМДП | «Амадина» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси директори | Тошкент шаҳри | 28-Йўлдош |
| 14. | **Касимов Рустам Саидович** | 1951 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзФМДП | «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси бош директори | Тошкент шаҳри | 51-Мирзо Юсуф |
| 15. | **Ким Валерий Николаевич** | 1954 | Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, партиясиз | «Ўзпахтамаш» акциядорлик жамияти директори | Тошкент шаҳри | 11-Академик |
| 16. | **Ким Сергей Сергеевич** | 1959 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП | «Билдингтехнолоджис» қўшма корхонаси бош директори | Тошкент шаҳри | 17-Мингўрик |
| 17. | **Курбанов Равшанбек Давлетович** | 1947 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, ЎзХДП | Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори | Тошкент шаҳри | 12-Яланғоч |
| 18. | **Кучеров Вадим Петрович** | 1941 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП | «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамияти бош директори | Тошкент шаҳри | 34-Авиасозлар |
| 19. | **Маликов Юсуф Расулович** | 1951 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзФМДП | Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директори | Тошкент шаҳри | 41-Кўтарма |
| 20. | **Махмудова Дилбар Иноятовна** | 1953 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП | Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги педиатрия илмий-текшириш институти директори | Тошкент шаҳри | 26-Беруний |
| 21. | **Мелкумов Александр Николаевич** | 1940 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП | «Совпластитал» қўшма корхонаси бош директори | Тошкент шаҳри | 40-Қатортол |
| 22. | **Мирходжаев Зайнутдин Сайфутдинович** | 1962 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, партиясиз | Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси | Тошкент шаҳри | 50-Минор |

*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг*
*ҚАРОРИ*

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

| № | Депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Депутатнинг номзодини кўрсатган орган номи, партияга мансублиги | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи | Сайлов округининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 23. | **Муминов Хайрулла** | 1947 | Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон «Адолат» СДП | «Чиғатой Оқтепа» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси | Тошкент шаҳри | 24-Мирзо Ғолиб |
| 24. | **Мухамеджанов Шамурат** | 1948 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, ЎзЛиДеП | «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси | Тошкент шаҳри | 10-Бўз |
| 25. | **Пулатов Равшан Каримович** | 1964 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, партиясиз | Юнусобод тумани ҳокими | Тошкент шаҳри | 52-Уста Ширин |
| 26. | **Рахимов Мухтарджон Нигматович** | 1960 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | «Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси | Тошкент шаҳри | 35-Лисунов |
| 27. | **Рустамбаев Мирзаюсуп Хакимович** | 1953 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, партиясиз | Тошкент давлат юридик институти ректори | Тошкент шаҳри | 56-Иттифоқ |
| 28. | **Рўзматов Абдурасул Агзамович** | 1955 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | «Тошқишлоқмаш» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси | Тошкент шаҳри | 33-Содиқ Азимов |
| 29. | **Свешников Полянте Грамитонович** | 1954 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | «ПГС» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси директори | Тошкент шаҳри | 43-Хайробод |
| 30. | **Содиков Мирзохид Мирмахмудович** | 1950 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП | Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари кенгаши раиси | Тошкент шаҳри | 5-Мақсуд Шайхзода |
| 31. | **Таиров Шухрат Латифович** | 1967 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, партиясиз | «159-қурилиш тресги» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси | Тошкент шаҳри | 47-Гулобод |
| 32. | **Туляганов Улугбек Насирович** | 1968 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзХДП | «Куёшдан ҳимоялаш буюмлари заводи» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси | Тошкент шаҳри | 31-Учувчилар |
| 33. | **Тураев Азиз Дамирович** | 1961 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | Миробод тумани ҳокими | Тошкент шаҳри | 20-Толариқ |
| 34. | **Усманов Рахмонбек Джахангирович** | 1960 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | Яккасарой тумани ҳокими | Тошкент шаҳри | 59-Бўрижар |
| 35. | **Фазилов Равшан Абдулхайевич** | 1961 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | «IBRAKOM FZCO» компанияси ваколатхонаси менежери | Тошкент шаҳри | 18-Темир йўл |
| 36. | **Хакимов Бахтиёр** | 1948 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, ЎзЛиДеП | Собир Раҳимов тумани ҳокими | Тошкент шаҳри | 22-Иброҳим ота |
| 37. | **Хакимов Садриддин Сиражитдинович** | 1966 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи | Тошкент шаҳри | 55-Мустақиллик |
| 38. | **Честнов Валентин Андреевич** | 1951 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | «Тошкент иссиқлик маркази» акциядорлик жамияти директори | Тошкент шаҳри | 15-Феруза |
| 39. | **Шаабдурахмонов Рустам Мавзурович** | 1962 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, партиясиз | Тошкент шаҳар ҳокими | Тошкент шаҳри | 37-Қурувчилар |
| 40. | **Шафайзиев Шамурод Мухсинович** | 1966 | Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, ЎзЛиДеП | «Ўзтрансмахсусқурилиш» уюшмаси раиси | Тошкент шаҳри | 36-Янгиобод |
| 41. | **Шарипов Рауфхан Аслонович** | 1957 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | «Нерудник» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси | Тошкент шаҳри | 8-Сувчи |
| 42. | **Юлдашев Мухтарджан Джураевич** | 1954 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | «18-автобус саройи» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси | Тошкент шаҳри | 4-Шодлик |
| 43. | **Юсупова Маъмура Садировна** | 1958 | Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзФМДП | Боровский номидаги тиббиёт коллежи директори | Тошкент шаҳри | 54-Уч Қаҳрамон |
| 44. | **Юнусметов Таймурот Турсунметович** | 1961 | Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, ЎзЛиДеП | «Редстон» фирмаси назорат қўмитаси раиси | Тошкент шаҳри | 60-Ракат |

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси**
**А.АБДУРАҲМОНОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 январь

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

Сўз келини сўзлашув пардасидан ташқарига чиқмаган экан, тил машшотасининг ихтиёридадир. Машшота уни хоҳласа баён боғига олиб киради, хоҳласа парда орқасида пинҳон тута олади. Байт:

**Сўз келини жилва**
**қилмаган замон,**
**Соҳибнинг қўли**
**остида пинҳон.**
**Хоҳлаганда уни**
**баён қилади,**
**Хоҳлаганда яна**
**ниҳон қилади!**

● Вафоли одамнинг дўстлиги ҳам самимий бўлади.

● Ёшликда шундай иш қилки, қариганингда фойда берсин ва унинг беҳуда ўтганидан афсус ема!

● Йўлга чиқишдан аввал йўлдош қидир.

● Ҳар қуш ўз овозидан шодланади.

Байт:

**Яхшилар айбидан кўз**
**юмгин ҳар он,**
**Ҳасад кўзи билан**
**боқмагил зиён.**
**Ўз айбинг кўрмоққа**
**юз марта кўз оч,**
**Ўзгага бир бор ҳам**
**кўз очишдан қоч!**

● ҲИКМАТ. Дўст уч гуруҳдир: дўст, дўстингни дўсти, душманингни душмани. Душман ҳам уч тоифадир: душман, дўстингни душмани, душманингни дўсти. Байт:

**Душманингга душман**
**бўлади дўстинг,**
**Душманингга ул ҳам**
**бўлади ағёр.**
**Душманингга дўстлик**
**айласа дўстинг.**
**Душмандир у аканг**
**бўлса ҳам зинҳор!**

● Донолардан бири айтади:

— Ёмон кишилар билан улфат бўлишдан қочгин. Одамнинг табиати ўғридир. У яхши кишилар билан суҳбатдош бўлганда яхши хислатлардан баҳраманд бўлгани каби, ёмон билан улфат бўлганда ҳам улардан озгина бўлса-да, ёмон хислат ўғирлаб олади.

● Доноларнинг айтишича, ҳар кишини ҳам дўст тутиб бўлавермайди. Дунёда дўстдан кўра азизроқ ва қимматроқ нарса йўқ. Айтишларича, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ўз отаси ҳақида ҳикоя қилиб қуйидагиларни айтган:

Дадам бир куни менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатлик қилма, улар билан ҳеч вақт суҳбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» деб сўрадим. Дадам деди: «Биринчиси — фисқу фужур аҳли. Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир луқма нон учун сени сотишдан қайтмайдилар. Уларнинг одатлари шуки, сендан доим бир нарса тамасида бўлишади, агар бермасанг, халқ ичида сенинг ҳақингда ёмон гаплар тарқатишади. Одамлар эса гапнинг тагига етмасдан сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар».

— Иккинчиси бахил ва хасис кишилар. Агар сен бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг улар ҳеч қачон сенга бермайдилар. Сенинг молу давлатингни эса уялмай ейдилар. Тугаса душманга айланадилар. Мен буни ўз бошимдан кечирганман. Пулим кўплигида дўстларим кўп эди. Камбағалликка тушиб қолганимда эса душманимга айланишди, таъна тошини отишди.

Дадам давом этиб деди:

— Уларнинг учинчиси ёлғончилар. Кимда бу иллат борлигини сезсанг ундан узоқроқ юр. Улар сени ўз яқинларингдан айиришади ва бегоналарни яқинлаштиради. Тўртинчи тоифа эса жоҳил, нодон ва аҳмоқ кишилардир. Улар билан бўлган суҳбат кишига аста-секин таъсир эта бошлайди, тўғри йўлдан оздириб, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа эса лақма, дилида меҳри йўқ кишилардир. Бундай кишиларни малъун деб аташ мумкин.

*Назорат*

# МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

**Республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, экологик ҳолат барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.**

Халқимизнинг мақсади мамлакатимизнинг барқарор ривожланишига эришиш. Бу эса иқтисодий, ижтимоий ва экологик омилларга узвий боғлиқ.

Бу йўлда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўзига хос давлат назоратини олиб бормоқда. Бундай текширишлар назорат қилувчи органлар фаолиятини Мувофиқлаштириш республика кенгаши томонидан йилнинг ҳар чораги учун тасдиқланган режалар ҳамда мониторинг асосида олиб борилади.

1998 йилдан бошлаб қўмитамиз қошидаги аналитик назоратга ихтисослашган бўлим табиий муҳит объектлари устидан (ҳаво, сув ҳавзалари) мониторинг кузатувини йўлга қўйган. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, аналитик-назорат ишларини яхши ташкил қилмасдан, самарали фаолият кўрсатишни тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги кунга келиб аналитик-назорат бўлими мутахассислари йилнинг ҳар чорагида тасдиқланган режадан ташқари сув бўйича 5 та ер усти ўзанлари (Салор, Қорасув, Қорақамиш, Бўзсув каналлари, Чирчиқ дарёси), 5 та шаҳар сув тозалаш иншоотлари, ҳамда 4 та шаҳар қозонхоналарида атмосферага чиқараётган чиқиндилари ҳолатини, газ тозалаш мосламаларини ва санитария-саноат лабораториялари фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида 9 та корхонада ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси давлат Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси кенгашининг 09-1001 сонли қарорига асосан «Мониторинг дастури» бўйича кузатувни амалга оширмоқда.

Аналитик-назорат бўлими мутахассислари жами 81 та, шу жумладан, ҳаво бўйича 77 та, сув бўйича 31 та корхонани текширдилар.

Ушбу бўлим томонидан атроф табиий-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги қонунчилик талабларининг бузилишига йўл қўйган 6 та корхонанинг раҳбарларига бир ярим йилликда 38000 сўмлик жарима солинди.

Тошкент шаҳри атмосфера ҳавосидаги чанг-газларнинг 85 фоизини автотранспорт чиқиндилари ташкил этади, шу боис бўлим мутахассислари томонидан 20дан ошиқ корхона автотранспортлари текширилди ва уларнинг чиқиндиларини камайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати нозирлари билан биргаликда шаҳримиз кўчаларида шу йилнинг биринчи ярмида 7929 та автотранспорт воситалари текширувдан ўтказилди ва уларнинг 733 тасига керакли чора-тадбирлар кўрилиб вақтинчалик фаолияти тўхтатиб қўйилди.

Бугунги кунда инсоният олдидаги муҳим муаммолардан бири — атроф-муҳитни оғир металлар билан ифлосланишдан сақлаб қолишдир. Оғир металлар ва микроорганимизлар орасидаги муносабатларни ўрганиш амалий ва назарий аҳамиятга эга. Бу борада «Сорб-тех» ёпиқ акциядорлик жамияти алоҳида ўринга эга. Ушбу корхонанинг маҳаллий хомашёлардан тайёрланган сорбентлари оқава сувларни нафақат барча оғир металлардан, балки микроорганизмлардан ҳам тозалашга қодирдир. Уларни амалда синаб кўришда қўмитамиз аналитик-назорат ихтисосланган лабораториямиз мутахассислари яқиндан ёрдам берадилар.

Шаҳримиз фуқароларининг ҳар бирини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларига чорлаш ва жалб қилишда барча манфаатдор ташкилотлар куч ва имкониятларини мувофиқлаштиришини, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича жадал тарғиботни, экологик таълим-тарбия ишларини олиб боришда, айниқса ёшларимиз орасида «Экология» фанини чуқур ўзлаштиришда аналитик бўлим мутахассислари бир қатор олий ўқув юртлари талабаларига амалиёт машғулотларини ўтказишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

**Х.САЙДАЛИЕВ,**
**Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси лаборатория бошлиғи**



**— Оҳ, бунча хушбўй!**

*Санъат*

# ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

**Куни кеча ўзбек Миллий академик драма театрида киноактёр ва режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизовнинг 70 йиллик умр йўли ва ижодига 50 йил тўлиши муносабати билан адабий-бадиий кеча ўтказилди.**

Тадбирни ўзбек Миллий академик драма театри директори Ёқуб Аҳмедов кириш сўзи билан очди. Кеча аввалида устоз санъаткорнинг ижодий фаолияти давомида ижро этган роллари, фильм ва спектаклларидан лавҳалар кўрсатилди.

Шундан сўнг Маданият ва спорт ишлари вазири Алишер Азизхўжаев Т.Азизовни 70 йиллик юбилей тўйи билан табриклаб эсдалик совғаларини топширди. Устозни қутлаш учун М.Уйғур номидаги санъат институти, А.Навоий номидаги ўзбек давлат академик Катта опера ва балет театри, Муқимий номидаги мусиқали драма театри, «Мирзо» театр студияси ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов, Замира Суюнова, Муяссар Раззоқовалар ташриф буюриб ўз чиқишларини намойиш этишди. Кеча сўнгида ўзбек Миллий академик драма театри ижодий жамоаси Турғун Азизовнинг унутилмас шодиёна куни муносабати билан яна бир бор қутладилар.

**Назрулла МАҲАМОВ**

*Кўргазмалар*

# ШЕЪРИЯТДА РАНГТАСВИР — РАНГТАСВИРДА ШЕЪРИЯТ

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида рассом Евгений Мельниковнинг «Шеъриятда рангтасвир — рангтасвирда шеърият» —деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.**



Айтиш жоизки, 60-йилларнинг ёрқин рангтасвирчи рассоми Евгений Мельников ўз асарларида Тошкентнинг гавжум кўчалари, сўлим гўшалар, Хумсоннинг тоғ бағридаги сокин манзаралари, шунингдек, натюрморт санъатига ҳам кенг тўхталган. Унинг ижодида Ўзбекистонга бўлган илиқ меҳр сезилиб туради.

Евгений Мельниковнинг ўзи ҳақида қисқача тўхталсак, у 1960 йилда А.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтининг рангтасвир бўлимини тугатган. Орадан беш йил ўтиб, Ўзбекистон рассомлар уюшмаси аъзоси бўлган.



Рассомнинг асарлари Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, шунингдек АҚШ, Англия, Франция, Германия, Россиянинг шахсий коллекцияларида сақланмоқда.

Е.Мельников истеъдоди ҳақида гап кетганда, унинг шеърга бўлган улкан муҳаббати ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Шеъриятда Евгений Мельников 30 йилдан ортиқ ижод қилиб келмоқда. Ушбу кўргазма ижодкорнинг шеърият кечасига уланиб кетди. Шунингдек, биринчи шеърий тўплами китоби кўргазмаси ҳам ташкил этилиб, шеърият мухлисларига тақдим этилди. Кўргазмада «Чимёнда куннинг ботиши», «Тошкент ипподромида от пойгаси», «Оқтош сокинлиги», «Сирень» каби асарлари намойиш этилмоқда.



Кўргазма 24 январгача давом этади.

**Юлдуз УСМОН**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.**

**Владимир Гранкин олган суратлар.**

## *Шифобахш ўсимликлар*

### ТОҒРАЙҲОН

Қуруғини асал билан қўшиб қонталаш ва кўкарган жойга, айниқса кўз тагига суртилади.

Шилликли шишларга суртиладиган доридир. Миядаги тиқилмаларни очади, бош миянинг оғришига, умуман бош оғриқларига, рутубатли сафродан бўлган бош оғриғига, ғализ елларга ва қулоқ оғриғига қўйилса ва томизилса, фойда қилади.

Қайнатмаси ичак оғриқларига фойда қилади.

### ТЕМИРТИКАН

Асал билан бирга этдаги эскирган яраларга фойда қилади. Тиш милкининг ҳидланган яраларига яхшидир.

Шираси сурмалар таркибига киради.

Бўғиз мушакларини қоплаган шишларга фойда қилади.

Буйрак ва қовуқ тошларини майдалайди. Шираси ҳам шундай таъсир қилади.

Бургаларни ўлдириш учун қайнатмасини уйларга сепилади.

### ТУГМАЧАГУЛ

Ёввойи гулхайри латифроқ ва қуруқроқ. Боғ гулхайрисининг кўп сувлилиги унинг кувватини камайтиради.

Унинг баргини чайнаб ва бир оз туз билан қўшиб ишлатилса, кўздаги оқма ярани тозалайди ва эт ундиради.

Унинг барг ва гулларининг ҳаммаси кўкракни юмшатувчи, сутни кўпайтирувчи, иссиқдан ва қуруқдан пайдо бўлган йўтални қолдирувчидир. Кўкракдаги ғижиллашни кетказишда унинг энг яхши қисми уруғидир.

Боғ гулхайрисининг шохлари ичак ва қовуқлар учун фойдали, ични юмшатади ва оғриғини қолдиради.

### ЧУЧУКМИЯ

Унинг шираси ва шунингдек илдизини милкка қўйилади.

Шираси эса жароҳатларга ишлатилади.

Ўпка найини юмшатади ва тозалайди, ўпка ва томоққа фойда қилади ва овозни тозалайди.

Ўзидаги ҳўллик билан чанқовни босади ва меъда яллиғланишида фойда қилади.

Буйрак ва қовуқ яраларига ҳамда уларнинг қўтирига фойда қилади.

### ЧАЁНЎТ

Боғда ўсадиганининг бир шингилидан сиқиб олинган сув қулоқ оғриғига фойда қилади.

Туганаги қулоқ чиркини кетказувчи дорилардандир, қулоқ яраларини ҳам қуритади.

Астма ва «тикка нафас олиш» касалликларида балғам кўчиради. Уни то дорилик хусусияти кетгунча бир неча марта қайнатиб, сўнгра «тикка нафас олиш» ва чўзилма астма касаллиги вақтида едирадилар. Туганагининг хусусиятлари ана шундайдир. Илдизи, айниқса, жингалак жилининг илдизи сепкилни, доғни ва нуқтали қонталашларини кетказади. Айниқса асал билан аралаштирилганда шундай таъсир қилади.

### ЧАКАМУҒ

Гулини қўйиб боғланса, қон оқишига фойда қилади.

Гули ва барглари оловдан куйганга фойда қилади. Уни қизил гул ёғи билан қўшиб мумли суртма тайёрланса ва ранги оқаргунча туз билан эзиб (ишлатилса), чарчашга ва чарчашдан келган оғриққа фойда қилади.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомототранспорт воситаларининг очиқ кимошди савдосини ўтказилади.**

**2005 ЙИЛ 8 ЯНВАРЬ КУНИ ҚУЙИДАГИ АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ КИМОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ:**

1. "АЗЛК-2141" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 178, бошланғич нархи 922 474 сўм, техник носоз;
2. «Зил-138А» автомобили, 1985йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 X 90-13, бошланғич нархи 939 100 сўм, техник носоз;
3. "Ваз-2106" автомобили, ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақам белгиси 11 Q 50-24, бошланғич нархи 813 300 сўм, техник носоз;
4. "Ваз-2101" автомобили, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 V 07-34, бошланғич нархи 742 000 сўм, техник носоз;
5. "Ваз-21033" автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган,давлат рақам белгиси 10 X 56-08, бошланғич нархи 1 045 000 сўм, техник носоз;
6. "Нексия" автомобили, 2001йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 W 51-74,бошланғич нархи 5 400 000 сўм, техник носоз;
7. "Дамас" автомобили, 1997йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AC 309, бошланғич нархи 4 086 121 сўм;
8. "КАВЗ-3270" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 598, бошланғич нархи 300 000 сўм;
9. "Зил-130Б-ПМ" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 603, бошланғич нархи 350 000 сўм;
10. "Камаз-5511" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 605, бошланғич нархи 500 000 сўм, техник носоз;
11. "Татра-815" автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 24 595 560 сўм;

**2005 ЙИЛ 8 ФЕВРАЛЬ КУНИ ҚУЙИДАГИ АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ:**

1. Ваз-21011 автомобили, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 F 17-81, бошланғич нархи 646 220 сўм, техник носоз;
2. Ваз-2106 автомобили, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Z 61-75, бошланғич нархи 300 000 сўм;
3. Ваз-2106 автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Q 88-30, бошланғич нархи 426 144 сўм, техник носоз;
4. Москвич-412 автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 J 67-21, бошланғич нархи 188 711 сўм, техник носоз;
5. "Доган-S" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 C 35-48, бошланғич нархи 2 219 072 сўм, техник носоз;
6. «Тойота-Креста» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 P 54-29, бошланғич нархи 234 990 сўм, техник носоз;
7. "Кавз-3270" автобуси, 1987йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AS 607, бошланғич нархи 877 102 сўм, техник носоз;
8. "Лаз-697Р" автобуси, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AS610, бошланғич нархи 1321 500 сўм, техник носоз;
9. «Лаз-69576» автобуси, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 24-01 ТНП, бошланғич нархи 246 900 сўм, техник носоз;
10. "ГЗСА-3407" автомобили, 1989йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AS 605, бошланғич нархи 320 000 сўм; техник носоз;
11. "Газ-5201" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AS 602, бошланғич нархи 534 551 сўм, техник носоз;
12. "Маз-35337" автомобили, 1992йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 66-64ТНП, бошланғич нархи 4 100 000 сўм, техник носоз.

**КИМОШДИ САВДОЛАРИ СОАТ 16-00ДА БОШЛАНАДИ.**

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимошди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади.

Кимошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

***Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси 3-уй, 2-қават.***

***Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.***

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

## «ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

**Сизларни биржа савдоларига таклиф этади**

**БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:**

● Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси. Бошланғич нархи – 750 000 000 сўм.

● Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи – 2 939 110 сўм.

● Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 60,7 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи – 2 540 396 сўм.

● Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кирки тор кўчаси, 34-уйда жойлашган, майдони 1473 кв.метр бўлган бино. Бошланғич нархи – 48 648 225 сўм.

● Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган «Олой» бозори асосий биноси фойесининг майдони 16,5 кв.метрга тенг бўлган 19-қисми. Бошланғич нархи – 5 775 000 сўм.

●Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, «Ҳ.Олимжон» майдони, ғарбий томонида жойлашган «Пойтахт бизнес мажмуаси» биносининг 1-қаватидаги, майдони 16 кв. метрга тенг бўлган қисми (Ц-блоки). Бошланғич нархи — 5 841 600 сўм.

● Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор-6/7 манзилида жойлашган, майдони 47 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 316 603 сўм.

● Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Сағбон-Форобий кўчалари кесишуви, 5-6-7-уйлар манзилидаги 4-блок, 2-секцияда жойлашган, умумий майдони 152 кв.метрга тенг бўлган бино қисми.

Бошланғич нархи — 23 901 328 сўм;

● Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Муқимий 1-тор кўчаси, 21-уйда жойлашган, умумий майдони 925,0 кв.метрга тенг бўлган бино ва иншоотлар.

Бошланғич нархи — 39 985 724 сўм.

●«Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги станоклар:

— станок СМЖ-357. Бошланғич нархи – 1 400 221 сўм;

— 1Г 340 П револьверли токарлик дастгоҳи. Бошланғич нархи – 5 338 396 сўм.

***Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган «Автомакон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудидаги, майдони 18 кв.метрга тенг бўлган дўконлар сотилмоқда. Ҳар бир дўконнинг бошланғич нархи 3 000 000 сўм.***

**Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.**
**Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.**
**www.tshmbm.uz; Эл.почта:Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz**

## *ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЖАНОБЛАР!*

**Давлат Мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2005 йилнинг 8,11,15,18,22,25 февраль кунлари аукцион савдоларини ўтказади.**

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Отчопар кўчаси, 60-уйда жойлашган, умумий майдони 5955 кв.метр бўлган «Тошқишлоқмаш» ОАЖга қарашли алюминий қуйиш цехининг бино ва иншоотлари 200 129 800 сўм бошланғич нарх билан қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги заклат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 133-23-40; 133-02-49**

*Спорт*

## ЭНГ КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

**Йил якунлари бўйича барча мамлакатларда энг яхши спортчи, мураббийларни аниқлаш кўп йиллик анъаналардан ҳисобланади. Бинобарин, ўтган 2004 йил юртимиз спортчилари учун зафарли онларга бой бўлганлиги сабабли бу гал энг кучлиларни аниқлаш осон кечмади, албатта.**

Аввал, «Спорт» газетаси томонидан спорт журналистлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларини эълон қилган эдик. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ҳам 2004 йилнинг энг кучли, иқтидорли спортчилари, йилнинг энг фаол спорт федерациялари ҳамда энг яхши мураббийи аниқланди.

Шахмат дунёдаги энг оммабоп ва севимли спорт турларидан бири ҳисобланади. Шу сабабдан, бошқа спорт турларига қараганда шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлиш янада оғирроқдир. Шу жиҳатдан олганда шахмат бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритиб, ўзбек спорти довруғини оламга ёйган Рустам Қосимжонов 2004 йилнинг энг яхши спортчиси деб топилганлиги қувонарли ҳолдир.

Ўтган йилнинг қолган энг яхши спортчилари рўйхатини эса Афина Олимпиадаси ғолиблари — эркин ва юнон-рум кураши усталари Артур Таймазов ҳамда Александр Доктурашвилилар бошқаришди. Яна бир эркин курашчимиз Магомед Ибрагимов, боксчилар Ўткирбек Ҳайдаров ва Баҳодир Султонов (ҳаммаси Олимпиада ўйинлари совриндорлари), муайтай бўйича бир неча бор жаҳон чемпиони Эркинбек Қуттибоев, футбол бўйича терма жамоамиз етакчиси Миржалол Қосимов, ўзбек кураши ва дзюдо устаси Абдулла Тангриев, ёш, умидли шахматчи Сирожиддин Зайниддинов ҳамда стол теннисчиси Манзура Иноятовалар ҳам кучли ўнликдан жой олишди.

Олеся Ашаева (бадиий гимнастика), Тимур Гареев (шахмат), Негмат Ешетаев (эркин кураш), Фурқат Саидов (оғир атлетика), Алишер Курязов (кураш) йилнинг энг иқтидорли спортчилари йўналиши бўйича кучли деб топилди.

Чарм қўлқоп усталаримизнинг халқаро мусобақалардаги ғалабаларига муҳим ҳисса қўшиб келаётган Алишер Абдуллаев эса йилнинг энг яхши мураббийи бўлди.

Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси, Республика шахмат, футбол, бокс ҳамда бадиий гимнастика федерациялари эса йилнинг энг фаол спорт федерациялари (ассоциацияси) номинацияси бўйича кучли бешликдан жой олишди.

Биз 2005 йилда ҳам спортчиларимизга нуфузли халқаро мусобақаларда омад тилаб қоламиз.

**(Ўз мухбиримиз)**

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган «CARAT DENTAL» хусусий фирмаси «CARAT DENTAL» масъулияти чекланган жамиятига айлантирилганлиги тўғрисида маълум қилади. Даъволар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой мобайнида 98-22-57 телефони орқали қабул қилинади.



**Янги йил шодиёналари давом этмоқда. Болажонларнинг шодликлари эса бир олам.**

*Мурувват*

## ҚУВОНЧЛИ КУН БЎЛИБ ҚОЛДИ

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман бўлими томонидан бир нечта хайрия тадбирлари ўтказилди.**

Улардан бири шу туманда жойлашган 22 ва 23-Меҳрибонлик уйларида бўлиб ўтди. Ушбу Меҳрибонлик уйларида ўтказилган қиш фаслида таваллуд топган болалар учун «Туғилган кунинг муборак» ва шу билан биргаликда «Камолотдан янги йил табриги» деб номланган байрам дастурлари ғоятда мароқли бўлди. Шу куни байрам дастурхони ёзилди. Қорбобо ва қорқиз томонидан болаларга совғалар улашилди, улар билан қизиқарли викторина ўйинлари ташкиллаштирилди. Болалар хотирасида ушбу шодиёна энг қувончли кун бўлиб эсда қолди.

Худди шундай тадбирни 66-махсус мактабда ва 4-санаторий интернатда ўтказиш ҳам режалаб қўйилди.

**Саида МАМАТИСАКОВА,**
**«Бунёдкор» ёшлар телеклуби ходими**

*Бекажон*

## ОЛМАЛИ ПИРОГ

Уни тайёрлаш учун 6 та тухумнинг оқи сариғидан ажратилиб, сўнгра оқига 2 стакан шакар аралаштирилади. Кейин тухумнинг сариғи қўшилади. Аралашмага 2 стакан ун солиниб, суюқроқ масса тайёрланади. Махсус пирог пишириладиган қолип ёки товага ёғ суртиб, пергамент қоғоз қўйиб, унинг устига нон талқони сепилади. Тозаланган олмани юпқа қирқиб, тайёрлаб қўйилган идишнинг ярмигача солинади. Сўнгра устидан тайёрланган массани қуйиб, 40 дақиқа давомида паст оловда пиширилади. Пирог совигач, қирқиб, дастурхонга тортилади.

## ТВОРОГЛИ ПИРОГ

250 г творогга 100 г юмшатилган маргарин ёки сариёғ, 2 ош қошиқ ун аралаштирилади-да, бир неча соатга совутгичга қўйилади. Сўнгра тайёр хамир 1,5 см қалинликда жўваланади. Устига юпқа қирқилган олма солиб, хамир четлари чимдимланади ва паст оловда пиширилади.

*Ҳар жанрдан бир шингил*

## ТОШБАҚАНИНГ ҲАДИГИ

**(масалча)**

Тўнтарилган гулдор қозонни
Тун-кун кўтариб юрар Тошбақа.
Унга раҳми келиб, — ачиниб жони
Бир кун сувдан чиқиб деди Қурбақа:
— Нима азоб, шунча юкни кўтариб, —
Енгилгина яйраб юргин мендайин!
— Осмондан ёғса дўл, ях, — хавотирим,
— Деб Тошбақа кетди бузмай пинагин.

* * *

Ҳаётда дуч келар шундайин инсон:
Қишин-ёзин қўлдан қўймас соябон.

## ФАКТ ВА АКТ

**(митти фельетон)**

Қопқонга тушди Сичқон,
Бу — аниқ факт.
«Йўқолди икки қоп дон!» —
Тузилди акт...
Қаранг-а, кичик Сичқон
Экан-а, нафси ўпқон!

## УМР ШОМИ

**(рубоий)**

Қариликни баъзи биров доғ билар, —
Умр шоми тушган сайин оғринар.
Шу боисдан суҳбат чоғи сезилар:
Ҳар бир кекса болаликни соғинар!

## ҚАЙЧИЛАР

**(туюқ)**

Ҳаётда бор қисқа, узун қайчилар,
Ип,матони қирқмоқ учун қайчилар.
Киши ҳақин еб ўрганган кимсалар
Бировлар ризқ-рўзин доим қайчилар!

## КЎРГАНИН ҚИЛАР

**(мақолга шарҳ)**

Чумчуқ билан Чумчуғой уришиб қолди,
Бу ҳолни чумчуқчалар кўришиб қолди...
Эртасига улар ҳам бир-бирин юлар, —
Чунки, «Қуш уясида кўрганин қилар!»

**Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ**

*Курраи замин ажойиботлари*

## САМОЛЁТГА ЁПИШГАН «ҚУЁН»

Испания авиакомпанияси бўлмиш «Иберия»га тегишли реактив самолётдан 22 ёшли Армандо Соккарас чалажон бўлиб йиқилиб тушган. У пинҳоний равишда самолётнинг оёқлари (ғилдираклари) ўқидаги гондолага кириб олган бўлиб, саккиз ярим соат давомида Кубанинг Гавана шаҳридан Испаниянинг Мадрид шаҳрига Атлантика уммони устидан учиб ўтган. «Қуён» бўлиб беркиниб кетаётган Армандонинг кислород билан таъминловчи ниқоби бўлмаган, 9 километрлик баландликда, 40 градусли совуқда у ғужанак бўлиб учган. Самолёт майдонга қўниши олдидан ғилдиракларини ғилофдан чиқарган паллада Армандо 30 метрлик баландликдан думалаб тушган. Таъриф этиш қийин бўлган ҳодиса натижасида энг қизиғи, йигит соғ қолди.

## КЕТМА-КЕТ ЯШИН УРГАН

Америка Қўшма Штатларидаги Виржиния давлат паркининг кузатувчиси Рой Салливан ўзига яшин тегиши бўйича рекорд қўйган десак муболаға бўлмайди. Қўйингчи, Рой Салливанни «бор-йўғи» етти марта яшин урган. Жумладан, 1942 йилда фавқулодда яшин уриб, унинг оёқ бармоқларини куйдириб ташлаган. 1969 йилдаги яшин уриши унинг қошига тегиб озорлаган, 1970 йилнинг ёздаги яшин уришида сочлари жизғанак бўлган. 1973 йилнинг август ойида сайҳонликда юрган Рой Салливанга теккан яшин унинг икки оёғини куйдириб кетади, кейинги яшинда унинг кафтларини, 1977 йилда «Пойлоқчи бўлиб қолган» яшин Ройнинг қорин соҳасини жабрлайди.

Энг ажабланарлиси қатор-қатор яшин уришларига учраган Рой Салливан соғ-саломат юрган.

**Маннон НАБИЕВ**
**тайёрлаган**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-009. 1 2 3 4 6